



АДОЛАТ



Ўзбекистон
«Адолат»
СДП
газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган 1998 йил, 27 ноябрь, № 47 (190) Жума кунлари чиқади Сотувда эркин нархда

«АДОЛАТ, ВАТАН ВА ХАЛҚ МАНФААТИ ҲАР НАРСАДАН УЛУҒ»

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлардан асосий мақсад иқтисодиётда юксак самарадорликка эришиш, жамиятда Қонуни устуворлиги, демократия тамойилларини қарор топтириш, халқ учун фаровон турмуш шароитини яратишдир.

Президентимиз Ислам Каримов яқинда халқ депутатлари Самарқанд ва Навоий вилоятлари кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида сузлаган нутқларида эътиборни барча савий-ҳаракатларимизнинг мазмун-моҳиятини ташкил этувчи ана шу долзарб масалаларга яна бир бор қаратди.

Мамлакатимиз кенг жамоатчилиги ўртасида катта эътиборга молик бу муҳим масалалар йўлбошимизнинг Ўзбекистон телерадиокорпорацияси раисига берган интервьюсининг ҳам асосини ташкил этади.

Давлат Матбуот қўмитасининг «Ўзбекистон» нашриёти ана шу нутқлар ва суҳбатни «Адолат, Ватан ва халқ манфаати ҳар нарсадан улуғ» сарлавҳаси билан куп нусхада ўзбек ва рус тилларида чоп этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақаларнинг миқдорларини индексациялаш тўғрисида

Нархларнинг эркинлашуви шароитида аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш мақсадида:

1. 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсияларнинг, олий ўқув юртлиги талабалари, ўрта махсус ва хунара-техника билим юртлиги ўқувчиларининг стипендиялари, ижтимоий нафақалар ўрта ҳисобда 1,2 баравар индексация қилинсин.

2. 1999 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан энг кам иш ҳақи - ойига 1320 сўм; ёшга доир пенсия - ойига 2520 сўм; фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромади - ойига 1320 сўм; ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич/нуқулчи/разряд - ойига 1320 сўм;

болаликдан ногиронларга нафақа - ойига 2520 сўм; зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ҳамда меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа - ойига 1530 сўм миқдориди белгилансин.

3. Энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган иш ҳақига устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, оналарга фарзанди икки ёшга тулгунча парвариш қилиш учун бериладиган, болати оилаларга бериладиган нафақалар ва бошқа тўловлар 1999 йил 1 январдан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилад.

4. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенга-

ши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари, бюджетдан молиявий таъминланган ташкилот ва муассасалар мазкур Фармон қондаларидан келиб чиққан ҳолда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласинлар.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг индексация қилиниши билан боғлиқ ҳаражатлар республиканинг давлат бюджетига Пенсия жамғармаси ҳисобидан қоплансин.

6. Хўжалик ҳисобидидаги корхона ва ташкилотлар меҳнатга ҳақ тўлашини белгиланган базавий фонди миқдоридан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш сама-

радорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобидан 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб иш ҳақи миқдорини мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорига мувофиқ индексациялашни амалга оширсинлар.

7. 1998 йил 9 июлдаги ПФ-2009-сон Фармон, 8-бандидан ташқари, ўз қўлини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини ўқувчи зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 25 ноябрь.

ЮРТБОШИ ЎГИТЛАРИ

Ў Садоятли бўлиш учун инсон аввало мард бўлиши керак экан. Садоятли одам бошига қилич келганда ҳам сўзда, ахду қароридан қайтмайди. Инсон аввало оиласига, халқига, Ватанига садоятли вафодор бўлиши зарур.

Ў Қадимги аждодларимиз қомил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, замонавий тилда айтсак, шарқона ахлоқ Кодексини ишлаб чиққанлар. Киши қалбига ҳаромдан ҳазар, нопокликка, адолатсизликка нисбатан мурасасиз исён бўлиши керак.

Ў Аслини олганда, ахлоқ — маънавиятнинг ўзаги. Инсон ахлоқи шунчаки салом-алик, ҳушмуомалаликдангина иборат эмас. Ахлоқ — бу аввало инсоф ва адолат туйғуси, иймон, ҳалоллик дегани.

Ў Бугунги кунда Ўзбекистон келажакни яратётган сержайрат ёшларимизни бошимизга кўтаршимиз лозим. Ватан учун жонини жабборга бериб ишлайдиган фидойи кишиларсиз Ўзбекистон келажакни тасаввур этиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Дам олиш кунини 1998 йил 5 декабрь шанбадан 7 декабрь душанбага қўчириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кўни байрам қилиниши муносабати билан ҳамда меҳнаткашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

дам олиш кунини 1998 йил 5 декабрь шанбадан 7 декабрь душанбага қўчирилсин.

Вазирлар
Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 24 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

Биринчи қаҳриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг йўл қўйиш сессиясини қаҳриқ тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши қарор қилади:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси 1998 йил 24 декабрь кўни Тошкент шаҳрида қаҳриқилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси
Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 23 ноябрь.

Партия ҳаёти

ШИФОКОРЛАР ПАРТИЯ САФИГА КИРИШМОҚДА

Кўни кеча Тошкент Давлат 1-тиббӣт институтини клиникаси касалхонасида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси бошланғич партия ташкилотининг ташкилий мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида касалхонанинг 31 шифокори ва хизматчиларининг аризалари қўриб чиқилиб, улар партия сафига қабул қилинди.

Мажлис ишда қатнашган Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийсий Кенгашнинг биринчи котиби, Олий Мажлис де-

путати Турғун-пўлат Даминаов партияга янги қабул қилинган аъзоларни таъриқлади ва партиянинг ҳозирги кундаги фаолияти, унинг масалалари ҳамда Олий Мажлисидаги депутатлик фракциясининг ишлари тўғрисида гапириб берди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП

Сийсий Кенгашнинг котиби Равшан Ҳайдаров ўз сўзида СДП Дастури ва Низомининг асосий талабларини шарҳлаб берди ва партия аъзоларининг ҳозирги кундаги асосий вазифаларига тўхталиб ўтди.

Мажлис ахли касалхона 3-терапия бўлими мудирини Турсуно Салимовани бошланғич партия ташкилотининг котиби этиб сайлади.

Мастура РАШИДОВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Марказий аппарати
йўриқчиси.

Бозор иқтисодиёти ва солиқ хизмати

БУРОМАД БЎЛМАСА, ДАРОМАД БЎЛМАС

Сирдарё вилояти Давлат солиқ бошқармасининг бюджетга тўлашмаган солиқларни мажбурий ундириб олиш бўлими бошлиги Абдураззоқ Элакаев билан суҳбат

Бозор муносабатлари жараёнида иқтисодий ва-зифа биринчи ўринга чиқади. Зеро, замонавий иқтисодий макон барпо этилмас экан тараққиёт бўлмайди. Бозор шароитида мулкчилик шакллари хилма-хиллиги кўпайди. Корхоналар ўзини ўзи бошқариш, молиявий натижаларини мушаккил тақсимлаш ҳуқуқларига эга бўлади. Бу жараёни тўлиқ ўзгариш, унинг талаб ва тақдирларига жавоб беришнинг мақсулоти ишлаб чиқарувчи корхоналар ривож топади. Рақобатбардор мақсулотлар ишлаб чиқармайдиган корхоналар эса ўз-ўзидан равшанки, иқтирозга учрайди.

— Абдураззоқ Элакаев, манба бозор иқтисодиётида иш олиб бораёмиш. Бу ҳолатда хўжалик юритувчи корхоналарнинг аҳолига не кечади?

— 1998 йилнинг 1 октябры ҳолатига назар ташлайдиган бўлсак, вилоят бўйича 4268 та корхона ташкилотлар фаолият қурсатмоқда. Шундан 1589 та корхонанинг бюджет, солиқ ва бошқа тўловлардан 431,2 миллион сумлик боқиманда қарзлари бор.

Боқиманда қарзи мавжуд бўлган корхоналарнинг асосий қисми бюджетга ана шу қарзларни ҳисобот даврида тўлаб бормоқдалар. Бирок, айрим корхоналар боқиманда қарзларини тўлашасдан қўйини иқтисодий ҳолатга тўлаб қолдилар. Бунинг оқибатида боқиманда суммаларига устама жарималар ҳисобланади, қарз миқдорлари ошиб бормоқда.

Сирдарё вилоят Давлат солиқ бошқармаси унинг ҳолатига назар ташлаётган бўлиб, 1998 йилнинг уттан дари давомида мавжуд Низом асосида бюджетдан 450,5 миллион сумлик боқиманда қарзи мавжуд бўлган 229 та корхона аниқланди. Уларга нисбатан давво арзидлари расмийлаштирилиб, боқиманда қарзларини қардор корхоналарнинг мол-мулкидан ундириб олиш мақсадида вилоят хўжалик судига мурожаат қилиб ва белгиланган давволар суд томонидан тўлиқ қондирилди.

Давво арзидлари хўжалик суди томонидан қон-натлангиланган кейин солиқ органлари қардор корхоналарга нисбатан қандай қаралар белгиланди?

— Юридика қайда этилган суммаларини ундириш мақсадида қардор корхоналарини

нг мол-мулкларини хатлаб, сотиш учун муҳрлаб қўйди. Шу ерда айтиш лозимки, 46 та корхона 147,1 миллион сумлик боқиманда қарзини бюджетга тўлиқ ўтказиб берганини сабабли мол-мулкларини хатлабмади. 61 та корхона эса мол-мулкларини хатлабмадан кейин 124,3 миллион сумлик боқиманда қарзини тўлаганини унинг Низомининг 13-бандига мувофиқ мол-мулкларини қайтариб берилди.

Лекин айрим бюджетдан қардор корхона ва идоралар раҳбарлари қўйида эгаллаб турган хизмат доирасидаги вазифаларни бажармасликлари оқибатида қарзлар уларнинг мол-мулкларини ҳисобидан ундириладигани сир эмас. Масалан, Хўлстон шаҳридаги «Лола» хўшхўрлик жамияти 1997 йил 27 январдаги вилоят хўжалик судининг 21-сонли қарорига асосан 3494,1 миллион сумлик боқиманда қарзини мол-мулк ҳисобидан ундирилганига қарамасдан, ҳисобланган солиқ-жарим белгиланган муддатларда бюджетга ўтказиб қораларини қурмади. Шу боис ҳужу-ли судининг 1998 йил 2 октябрыдаги 833-сонли қарорига би-ноан 9947,7 миллион сумлик боқиманда қарзга тортилди.

Бундан ташқари бюджет ол-дириш мақсадида қарзларни хў-жалик суди орқали ундирилган-лиги учун «Лола» хўшхўрлик жамиятидан 448,8 минг сум, консерва заводидан 125,8 минг сум, 4-автотранспорт корхона-сидан 81 минг сум, 1-са-ноа хўшхўрлик жамиятидан 80,9 минг сум, 3-автотранспорт корхона-сидан 79,7 минг сум давлат боқиманда ҳам ундириб олинди. Бу, албатта, уша корхоналар-нинг молиявий фаолиятига салбий таъсир қурсатади. Не-гаци, бюджет ҳисобидан унди-рилган устама жарималар, дав-лат боқиманда бўлган қарзлар туркумига эмас, балки корх-



налар иқтиёридаги соф фойда ҳисобидан қопланади. Юридика қайда этилган сал-бий ҳолатлар 1998 йилда корхона ва идоралар томо-нидан режалаштирилган фойданинг тақсимланганига таъсир қурсатади ва уларни ривожлантириш учун сарфла-ниши лозим бўлган маблаг-ларнинг кескин камайишига туртки бўлади.

Яна бир гап: қарз учун мол-мулкларини хатлаб олиб қўйиш, айримларининг сотиб юборилиши корхона-ларнинг хўжалик фаолиятида белгиланган ишлар қўламини бажарилишига кескин туртки бўлади. Ишлаб чиқа-ришни зарур хом ашё ва ма-териаллар билан таъминла-нишни орқага тортади ҳам-да самарадорлигини пасайти-ради.

Зеро айтиш керакки, қар-дор корхоналарнинг бюджетга тўловларини белгилан-ган муддатларда тўлашмасли-ки нафақат уларнинг жа-моатсига, балки давлатга ҳам катта зарар келтириши шуб-ҳасиздир. Юридика тақдир-ларини беҳиз келтирмадик. Мақсадимиз одик равшан қардор корхоналарнинг мас-сул раҳбарлари бундан турги ҳулоса чиқариб, келгу-сида корхоналар маблагларини тўлашганидан турги, жари-ма ёки устама жарима тўла-масдан ўз вақтида солиқ ҳам-да бошқа тўловларини тў-лайдилар, деб умид бў-лаймиз.

Суҳбатдош:
Неъматилла МҲМИНОВ,
«Адолат»нинг
ўз муҳбири.



Тошкент шаҳар 1-клиник шифохонаси бўлими бошлиги Лола Юсупова 1982 йилдан бун даво-ловчи шифокор бўлиб, эл-юрт соғлиғи йўлида то-лай меҳнат қилиб келмоқда. Ўз касбининг фидойи-си Лола Юсуповани касбдошлари ҳам доимо эъзо-лаб ҳурмат қилишади.

СУРАТДА: Лола Юсупова касбдошлари давраси-да касаллик варақасини қўздан кечирмоқда.

Хўсанбой АБВАЛОВ олган сурат.

АДОЛАТ ХАМРОҲИМ БЎЛАСИН ДЕСАНГИЗ...

1998 йилнинг 15 сентябридан буён республика-мизнинг барча «Мат-буот уюшмаси» жа-миётларида ва алоқа бў-лимларида «АДОЛАТ» ижтимоий-сий газе-та-сига 1999 йил учун обу-на давом этмоқда.

Обуна баҳосини эъти-борингизга ҳавола қила-миз:

Ташкилотлар учун:
12 ойга — 2220 сўм.
6 ойга — 1110 сўм.
3 ойга — 555 сўм.

1 ойга — 185 сўм.
Нашр кўрсаткичи: 101.
Якка тартибдаги обуначилар учун: 12 ойга — 2220 сўм.
6 ойга — 1110 сўм.
3 ойга — 555 сўм.

1 ойга — 185 сўм.
Нашр кўрсаткичи: 100.
ЭСЛАТМА:
Вилоятлардаги обу-начиларга газета етқа-зиб бериш учун кўрса-тилган обуна нархи

бир мунча ошиши мумкин.
«Адолат» ҳамши-а хамроҳим ва суянчилигим бўл-син десангиз,
унга обуна бўлинг!



Майитни қабристонга олиб кетаватганларнинг юзларида бироз мотам асорати бор, лекин гап-лашчи кетишмоқда:

— Бугун бозорда гуручнинг нархи 100 сўмга чиқибди, гушти айтинг, у ҳам кўтарилибди.

— Кеча Оллокул битта уч яшар тасанини 15 мингга сотиб келди.

— Кўчор аканинг ўғли қамалиб қолганмиш.

— Бу дейман, бу йил қиш қандай келаркин, лайлақлар кетмапти.

— Бу тобут кимники, жура?

— Шокир қасбонники, раҳматли яхши одам эди.

— Ёй, бу Ботир қоровул эмасми?

— Э, уни кеча қумиб келдик, биродар.

— Зоҳид ака битта носдан олинг.

— Чекайман ука, ана Собир эшондан сўра, у тарак ейди...

— Сонияхон, тобингиз қочдики, тунги соат иккиларда уйингиздан «Тез ёрдам»нинг дўхтири чиқиб кетаватди.

— Шунга ҳам аҳамият бердингизми, Флоракхон!

— Қаерда эдингиз, кечаси билан санқиб... — деди аёл оёқларига зўр турсан эрига.

— Сен ақли аёлсан, азим, қани унинг топчи?

— Хонадонда икки қроват. Бирини эр, иккинчисини аёл ётибди.

— Совқотилман, — деди аёл.

— Зоҳир яна битта кўрпа ёпаман, — деди эр кўрпа ташлаб аёлининг устига.

— Исиб кетдим, — деди аёл бироздан сўнг.

— Зоҳир, ойналарни очиб юбораман, — деди эр.

— Бу ерда эркак зоти борми, ўзи, — деди аёл зарда билан.

— Азизим, тунги соат икки яримда уни қаердан топаман, — деди эр.

— Уйқисираб тушида алаҳсираб уйгонган хотин қўзларини аранг очиб деди:

— Тез бўлинг, ойнадан сакранг, эрим келаяпти.

— А, унда мен кимман? — деди эр.

— Кўшини кеча яна уйда ароқ пиширганга ўхшайди?

— Қаердан билақолдинг?

— Унинг қўйлари чиқиб кучуқчани дабдала қилиб ташлабди.

— Жуда оғир жудалик бўлди, кеча яна битта муқдасдан ахралдик, ҳар кун ушунга кружка пиво ва икки литр ароқ ичарди раҳматли.

— Нима касалик билан ўлибди у киши?

— Шунчун сўраш ҳавлимга келмабди, эссиз.

— Аёл асабийлашганча эрига деди:

— Чўнтагингиздан «Хусния-5-30-57» деб ёзилган қорозини топиб олдим, бу ким, янги хазманингизми?

— Нималар дейсан, ахир бу хўжайинимизга қарашли отингиз исмику, рақамлари эса унинг тартиб номерларидир.

— Шу пайт бирдан телефон жиринглаб қолди. Аёл гап-лашчи бўлгач, уни эрига тутқазди:

— Мана телефонга жавоб қилинг, Хусния исмли бир бия сизни сўраяпти.

— Ишдан жуда қарчаб келдим, теледонда ким сўраса ҳам мен уйда йўқман, — деди эр хотинига. Шу пайт жиринглаган телефонни хотин олди.

— Йўқ, эрим уйда, — деди хотини туброқча.

— Ахир зоҳир айтдимку, — деди эр жаҳлланиб.

— Сенига эмас, менига телефон қилдилар, — деди хотини.

Мўмин ҚАЮМ.

«Обуна-99»

«МУШТУМ» журнали ва «АФАНДИ» газетаси...

Сизнинг ҳамкорлигингиз бўлсин!

Қадри қўлти ва латифа ишқибозлари

Агар хонадонингизга республикамизнинг ягона ҳажв журнали «Муштум» ҳар ойда, ягона латифалар газетаси «Афанди» — ҳар ҳафтада келиб туришини истасангиз: кечиктирмай ушбу наشرларга обуна бўлинг!

«Муштум»нинг наشر индекси: яқна тартибдаги обуначилар учун — 342; ташкилотлар учун — 343.

«Афанди» газетасининг наشر индекси: 590. Вақтин били бермак: ани газетаси!

Менинг милициям...

МАРДЛИК КЎРСАТДИ

Хурматли тахририят!

Биз Сизнинг газетангиз орқали Тошкент шаҳар, Чилонзор туман Ички ишлар бўлими участка катта ҳозир Бахтиёр Мухамедовга тезкорлик ва ҳасорат кўрсатгани учун миннатдорчилик билдирмоқчимиз.


...Биз онам билан Чилонзор туманидаги «Совпласти-тал» дуконида кетаватган эдик. Бирдан рўпарамизда на-ча бир йигит пайдо бўлиб, у бўйинидаги тилла занжир-ни қолчанга қочди. Кейинчалик маълум бўлишча, улар уч киши экан. Шериклари ҳилватда машинада кутиб туришарди. Ури машина томон югурди. Шу пайт пайдо бўлган милиция майори Бахтиёр Мухамедов вазиятни тўғри баҳолаб, ўғрини чалиб йикитди ва шерикларини ҳам усталик билан қўлга олди.

Милиция ходими хушёрлик ва мардлик кўрсатиб, фақат бизнинг бўромларимизни сақлабгина қолмай, балки илгари иккиси судланган жиноий гуруҳни ҳам фаш этиб, бошқа ҳамшаҳарларимизнинг ёсоишталлигини сақлаб қолди. Бизнингча, ички ишлар органларида айнан шундай жасур кишилар ишлаши керак.

Марина КАЛИБАЕВА,
Тошкент шаҳри.



Гул аро гулчехра — дилдор, бўйлангиз, Теграсида кузми... баҳор, бўйлангиз. Хар қалай, фаррух жамол бир ... лавҳа бу — Гўзаллиқда наволар бор, бўйлангиз!



Оқланмаган фильмлар

Хўжа Насриддин ҳақидаги фильм 1946 йили су-ратта олинганда, мўъжиза рўй бериб, у жаҳон эк-ранларида кўрсатилди. Шўролар ҳукумати респу-бликаларда сураатта олинган кинофильмларни четта чи-қаришни одатда истамас эди. Шунда асар томоша-уйнаётганларга дуч келиб қо-лади. Даврага кириб, омади келиб, барчани доғда қолди-рган Кўса қақабди қимбоз-нинг бор пулини ютиб олади. Кейин уни эшагига хизматчи

тиш қўлгилли эканлиги «Прав-да» тахририятининг ҳавлига ҳам келмаган кўринади. Большевиклар газетаси ўтмиш қаҳрамонларини, фольклор ма-териалларини сўний равиш-да замонавийлаштиришга да-ват этиши, талаб қилиши, ижодкорларни чалғитиши, фильм устида ишлаган катта гуруҳнинг меҳнатини менси-маслиги кишини ҳайратга со-

Кўнун барчага баробар

ТУМШУГИДАН ИЛИНДИ

Баъзилар ўзларича устамонлик қилишиб, ҳамма-ни лақиллатмоқчи, бунинг орқасидан мумай бойлик орттириб, фаровон турмуш кечириб бундан бў-ладилар. Муқаддам судланиб, тегишли ерда жазони ўтаб чиққан Усмон Жамбурбоев ҳам уйлай-уйлай э-ри йўлни таллади. Кечаги қилишидан қилган пу-шаймонлари етмай яна жиноятга қўл урди. Нокону-ний йўл билан чет эл валютасини сотишга жазм-э-ди.

Олдиндан пухта ишланган ре-жа бу мақсадни амалга ошириш-да унга қўл келди. «Узавтоуль-концерн» диспетчерлик бўлими бошлиғи Собит Тўрабевнинг бо-шини айлантириб, у билан яқин таништиришдан фойдаланиб, кон-церннинг хисобидида ишга до-на муҳли бланкани ўғирлади. Бир пайтлар ўзи ишлаган Кўтоб туманидаги кўпик қурилиш кор-хонасининг қатъий хисобидан ўғирлаб олган бланкларини ва жамонинг думалоқ муҳри туши-рилган хизмат савари гувоҳно-ларини ана шу йўлда ишлатди.

Яқин, бу расмий ҳужжатларни қалбақлаштириб, Тошкент ша-ҳрининг «Чорсу» бозоридан фука-роларни аллаб, уларни «Узав-тоуль» корхонасида ишлатди «де-б сохта ҳужжатлар тузиб». Россия Федерациясига хизмат саварига Бориш керак деган сохта хизмат савари гувоҳнома-си билан «Узавтоуль» Республика-сий Миллий банкга хат тайёрлади. Хатдаги рақбарларнинг имзоси-ни ўз қўли билан қалбақлашти-риб, Миллий банкнинг Тошкент

шаҳар валютаси алмаштириш шо-ҳобчаларидан 1997 йилнинг фе-вралига, жами 12750 АҚШ дол-ларини ноконуний равишда олиб, Тошкент шаҳрининг турли бозор-ларида номаълум шахсларга со-тиб юборди.

Аммо қилиб қирқ ердиган ҳу-қуқ посбонлари текин даромад-сотишчи йўлидаги унинг ури-нишларига сўғиш нуктани қўйди-лар. Уни эри билан, ўзгани шер-бўлмаган бу товланган тумшуг-дан илчилди, Ўзбекистон Респу-бликаси Жиноят кодексининг 170-моддаси 3-қисми «а», 228-модда-сининг 3-қисми «б», 228-модда-сининг 3-қисми «б» бандлари бил-лан айбни деб топилиб, Тошкент шаҳар Мировот туман судининг ҳукми билан ётти йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Уни-нг шериклари ҳам қўнун олдида жазо бериб, қилишларига яра-ша жазоларини олдилар.

Хикматулло ТОШМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Транспорт прокуратурининг
катта ёрдамчиси, 1-даражали
юрис.

3.«НАСРИДДИН САРГУЗАШТЛАРИ»



Лекин большевикларнинг марказий газетаси «Правда» бу асарни бошдан-оёқ қора-лади. Газета сарлаҳадан бошлаб («Бехуда сарфланган куч, зое кетган ҳаракат») сўнгги жумлагача фильмнинг сюжетини ҳам, образлар тал-қинини ҳам танқид остига олди. Гул «Бехуда сарфлан-гани» исбот этмоқчи бўл-ди. Одамлар қуввоқ коие-дигна ташна пайтида бу асар эндагина қўрсатила бошла-ганда (фильм 1947 йили-нинг 7 апрел кўни экранга чиққан, танқидий мақола 24 апрелда эълон қилинган),

«Правда» «...фильм бемаъни, зерикарли ва ҳақиқатга зид чиккан» деб ёзди ва Тошкент киностудиясига «Тўғри йўнал-лиш берилмаган» ҳақида аф-суслиниб қайт эди. Ҳа, Москва студиясининг назорат қилар, қўрсатмалар бериб унинг иж-росини муттасил текшириб бе-рарди, асарларнинг гоёйи йў-налишини белгилаб беради. Наби Ганиевдек (асар режис-сери ва роль ижрочиси) жа-сратли ўзбек ижодкорлари улар-га риоя қилмас, дарҳол мат-буот кўмағида, терговчилар ёрдамида уларни «Тўғрилаб,

Хамроеви танлаганига сабаб — бу актёр «Тоҳир ва Зухра» фильмида шор ва солномачи Нозим ролини уйнаб синовдан ўтганда, Насриддиннинг сўз-га чечанлигини, ҳажв устаси эканлигини кўрсатиш билан бирга Шарқ халқлари орасида машҳур бўлган бу қаҳрамонни-нг фикран теранлигини, инсон-парварлигини, эзгу ниятлари-га ҳаммиса содиқ қолганини

лини олингилар—қўйинглр. Тойер, яқиндагина Насрид-диннинг либосини ечган... Лекин Наби Ганиев кўнма-ди, ўз йўлидан борди. Янги актёр, янги талқин ҳақида уйдади... Рол менга топиш-рилганда ҳам «маслаҳат» берувчилар қўл бўлди. «Све-рдлин қандай уйнаган бўл-са, сизлар ҳам шундай қи-лингилар, деб. Ганиев ўзгача



қўрсата олишига қадир бўлга-нида. Шундай бўлди ҳам, актёр режиссёр кўмағида Нас-риддиннинг солдақлигини, од-дий фуқарони ҳимоя қилади-ган фалсафасини очибга эришди. Актёрнинг бундай мустақил образ яратиши осон кечмади. Раззак ака бир су-батимизда қўйидаги ҳижоани ҳам келтирган эдилар. «Уша кезлари ҳаммамизнинг оғзи-да «Насриддин Бухорода» филь-ми (1943 йил сураатта олинган — Х. А.) ва унда Лев Свердлов гавдаланганга образ эди. Шунда бизга «маслаҳат» бе-ришди: шу актёрни — Сверд-

Хамидулла АКАРОВ.

Жиноятчилар тарихидан

СОБИҚ ИТТИФОҚНИНГ СЎНГГИ БАНДИТИ

Сергей Мадуев «зона»да қамол топган бандит-лардан. Отаси чечен, онаси — қорейс. Ҳужжатлар-да миллиятини рус деб кўрсатган. Сергей илк бор 1974 йилда — 17 ёшида талончилик ва ўғирлик учун 8 йилга қамалган.

С. Мадуев жиноятчи гуруҳлар орасида «Черво-н» лақаби билан юрарди. Айтишларича у таксига ўтирса, таксиметр неча сўни ишлатишдан қатъий на-зар, қайтимсиз фақат ўн сўмликлар билан ҳисоб-китоб қилган. Гарчи ўзини «қонундаги ўғри» деб ата-са-да, у бу номга лойиқ эмас эди.

1988 йилнинг декабрида Чер-вонец набатдаги қамол пайти-да турмадан қочди. Озодликда юрган ана шу 13 йил давомида Петербург билан Астрахан урта-сида дайдиб, ҳамтовоклари бил-лан бирга ушлаб талончилик, ў-ғирлик, қотилчилик содир этди. Уни фақат милиция эмас, ҳатто Тбилиси ва Тошкент ўғирлари ҳам излашарди. Чўки Сергей уларнинг анчагина бойликларини олиб қочиб қолганди.

Жанубий шаҳарлардан бири-га дам олиш учун келган Черво-нец шинел, оқ костюм-шимда ресторанди қиради. Офицант унга жой бандилиш учун столга ўтиришга рўхсат бермайди. Ин-жик микозни тартибга қакриш учун ресторанининг аёл директо-ри қалайди. Иккаласи тортишиб қолади.

Хуллас, уша оқшом Червонец тилла тиши олифта директор-нинг уйига қиради. Айлиниг не-халатга тушганини тасаввур қи-лиш қийин.

— Ҳой сатанг, манжаляки, мен фақат нончўшта қилиб олмақчи эдим, холос, — деди у тўп-пона-сини хонимнинг ийигаги тираб.

Қўп ўтмай С. Мадуев қўлга тушди. Бирок у бутун бошли ми-

кийимингизни ечинг» деб талаб қилган швейшарни аввал қўра-гага, сўнг бошига тўп-понадан ўқ узиб, стол устидаги қўлқопи-ни олиб чиқиб кетган.

Уни 1990 йил 8 январда Тош-кент вокзалида «Тошкент-Моск-ва» поезидида қўлга олишди. Ми-лиция ходимларидан бири кишан билан Мадуевнинг қўлини ўз би-лагига маҳкамлади. Пихини ёр-ган бандит буш қўли билан чўн-тагидида граната пиллигини оч-ишга улгурди ва тезкор ходим-ларнинг бар-қасини гаровга ол-моқчи бўлди. Яхшиям милицио-нерлардан бири Мадуевни қўли-ни нишонга олишга, ерга туш-ган гранатани эшикдан ташқа-рига отиб юборишга улгурди.

Э-ке, уни қайси турмаларда сақлашмади дейсиз. Охири Пе-тербургдаги Кресть турмасига олиб келишди. Червонец турма бошлиғи Степан Демукха «Мен бу ердан ҳам барибир қочаман» деди.

Айтганини қилди ҳам. Бу иш-да унга прокуратуранинг алоҳи-да муҳим ишлар терговчиси На-таля Воронцова ёрдам қилди. Наталья тинтув чоғида Червонец-нинг ёнидан қиққан тўп-пона-чини унинг устига қиритиб берди. Қўл-лас 1993 йилнинг 3 май кўни Мадуев бир офицерни гаровга олиб, иккинчисининг қорнига ўқ отиб қочмоқчи бўлди. Бироқ ик-ти автомат билан бандитни бурчакча қисиб олишга муваф-фақ бўлдилар.

Мадуев билан Воронцова ур-тасидида муносабат очилгичча қилиб кетди. Бу севгили, сот-қиллиги, ҳеч ким билмади.

1994 йилнинг сентябрида Червонец яна қочибга уринди. Тергов изолятторини чап олиб,



Самарқанддаги «Рассом» кўптармоқли фирмаси бу-гунгун қўнда халқ амалий санъати дурдоналаридан би-ри бўлиш қандақорли тобора ривожлантириб бори-моқда.

СУРАТДА: фирма қандақори Бахтиёр Жумаев иш ус-тида.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ
олган сура.

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хбяр қилишча, 27—30-ноябрда Ўзбекистон ҳудудига ҳавонинг ўзгариш кутулади, те-мпература 15—20 метрга етди.

20-ноябрда Қорақалпоғистонда ва Қораз вилоятида ҳаво ўзгариш турди, қўнудан ёмғир ёғиш ва қорға айланмиш мумкин. Кечаси 7—12 даража соғуқ, қўнудан 4—9 даража илқ, устурда 1 даража соғуқдан 4 даража илқ бўлади.

Қораз ва Наровий вилоятларида ҳаво ўзгариш турди, ёғингарчилик бўл-майди. Кечаси 3—8 даража соғуқ, қўнудан 1—13 даража илқ бўлади. Қўнудан 4—9 даража соғуқ, қўнудан 1 даража илқ бўлади, ёғингарчилик кутулади. Самарқа-нда, Жиззах, сўрда ва Тошкент вилоятларида кечаси ҳарорат 4 даража соғуқ, қўнудан 1 даража илқ бўлади, қўнудан 3—8 даража илқ бўлади. 1 даража соғуқ билан 4 даража илқ бўлади.

Қашқадарь ва Сўрхондарь вилоятларида кечаси 3 даража соғуқ, қўнудан 1 даража илқ бўлади, қўнудан 12—17 даража илқ бўлади.

Фарғона водисидидаги вилоятларда кечаси 4 даража соғуқ билан 1 даража илқ бўлади, қўнудан 7—12 даража илқ бўлади.

Тошкентда кечаси 1—3 даража соғуқ, қўнудан 10—12 даража илқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси
Мадаания бани 1998 йил
25-ноябрдин бошлаб ҳисоб ва
божхона тўловлари учун 1
АҚШ долларининг сўмга нис-
батан қўнуданги қўнудини бил-
лади.

1 АҚШ доллари —
108 сўм 47 тийин.



Муассис: Ўзбекистон
«Адолат»
СДП Сибей
Кенгаши ва «Адолат»
газетаси ижодий жамоаси.

ХОМНИЙ: Ўзбекистон
Республикаси
«Матбуот тарқатувчи»
акциядорлик жамияти.

Бош
муҳаррир:

Тўхтамурод ТОШЕВ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Тургунпўлат ДАМИНОВ, Абдулалли
ҒУЛОММАХМУДОВ, Улугбек ДОНИЁРОВ,
Нажмиддин КОМИЛОВ, Ҳалим БОБОВЕВ,
Анвар ЖЎРАБОВЕВ, Акмал ҚОСИМОВ,
Тўхтамурод ЖЎРАЕВ, Рустам АҲМАДАЛИЕВ
(Бош муҳаррир ўринбосари), Акбархўжа
РАХИМОВ, Равшан ХАЙДАРОВ, Рустам
КОСИМОВ.

Мулоқот учун телефонлар:

Қабулхона — 133-41-89.
Котибият — 136-55-64.
Эълонлар бўлими:
136-55-96.

Навбатчи —
Ҳикматуллох ҚОДИРОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 140.

Буюртма Г—0521,
ҳажми—2 табоқ. Офсет
усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM
компьютерига
терилди.

Мақолада келтирилган факт ва рақамлар учун фақат муаллифлар жавоб берадилар.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Қорхона манзили: «Буюқ Тўғон» кўчаси, 41.
Босишга топишриш вақти — 21.00.
Босишга топишриш вақти — 22.00.
МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси-32.